

Мумиёнинг Дориворлик Хусусиятлари Ва Ундан Фармакологик Дори Шаклларини Тайёрлаш Технологияси

Салимова И. Ю.¹, Хайдарова С. А.²

Аннотация: This scientific article presents data from the literature regarding the medicinal properties of the natural substance mumiyo for the organism, as well as the technology for the preparation of pharmacological drug forms in various natural formulations. It also provides scientific information on their application for the treatment and prevention of various pathological processes occurring in the bodies of animals. The natural substance mumiyo has been found to possess antioxidant, membrane-protective, and anti-inflammatory effects, and studies have shown that it can enhance the organism's resistance to bacterial infections.

Калит сўзлар: Мумиё, пилюла, хаб дори, таблетка, капсула, эритма, бальзам, суртма, шамчалар, фармакопия, суяк синиши, остеомиелит, остеодисстрофия, грамм, фоиз.

Кириш. Бугунги кунда инсонлар орасида ва шунингдек ҳайвонот оламида учрайдиган кўплаб паталогик жараёнларни даволаш ва олдини олиш мақсадида маҳаллий , табиий дори воситаларини қўллаш ҳавфсиз ҳамда самарали ҳисобланади. Бунинг учун авваламбор ушбу воситаларни излаб топиш , илмий асосланган ҳолда ўрганиш ва улардан заарсиз табиий дори воситаларини тайёрлаш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Хозирги вақтда суяк тўқималари патологиялари ҳам ҳайвонлар орасида кўп учрайдиган, узоқ давом этувчи, баъзида эса ҳаёт учун хавфли бўлган касалликлар қаторига киради. Ветеринария амалиётида суяк тизими касалликларини даволашда дори воситаларининг самарали, ҳавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлиши талаб этилади.

Табиий келиб чиқишига эга бўлган биофаол моддалар, хусусан мумиё, сўнгги йилларда илмий доираларда катта қизиқиши уйғотмоқда. Мумиё конлари кенг микёсда Осиёнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, асосан Ҳимолай тоғлари, Помир, Олтой ва Қозоғистоннинг айрим худудларида кўп учрайди. Бугунги кунда у Америка Кўшма Штатлари, Скандинавия ва Шимолий Африка давлатлари худудларида ҳам топилган. Бироқ, бугунги кунда энг сифатли ва самарали бўлган мумиё Қирғизистон Республикаси худудида учраши аниқланган.

Мумиё фақат баланд тоғли худудларда денгиз сатхидан камида 1000 ва кўпи билан 5000 метр баландликда ҳосил бўлиши кузатилган. Уни кўпинча ғорларда, баъзида эса ерда ғовак жинслар кўринишида учратиш мумкин[1].

Илмий маълумотларда келтирилишича мумиё кенг қўлланиладиган, ишончли ва ҳавфсиз иммунокорректор ҳисобланади. У қайта тикловчи, яллиғланишларга қарши, антибактериал ва оғриқ қолдирувчи хусусиятларга эга эканлиги қайд қилиб ўтилган. Мумиёнинг таркибидаги барча фаол моддалар организм томонидан тўлиқ ўзлаштириладиган шаклда бўлиб, узоқ муддат давомида қўлланилса ҳам ҳавфсиз ҳисобланади. Мумиё таркибидаги табиий моддалар инсонлар ва ҳайвонлар организмида содир бўладиган моддалар алмашинув жараёнларини бошқаришда фаол иштирок этади. У тикланиш, мослашув механизmlари, тўқима ва гуморал иммунитетни шаклланишини ҳамда организмнинг ўзига ҳос бўлмаган ҳимоя фаолиятини

¹ Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети докторантни

² Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети катта ўқитувчиси



(масалан, эндоген интерферонлар ва табиий ўлдирувчи ҳужайралар ишлаб чиқарилишини) рағбатлантиради.

Мумиё препаратурининг таъсири натижасида организмда қон плазмасидаги холестерин, гемоглобин, эритроцитлар сони ва лейкоцитлар миқдори меъёрлашади ҳамда жигар ҳужайраларининг фаолияти, турли паталогик жараёнлардан кейинги ҳолати тикланади.

Шунингдек мумиё антиоксидант, мембранопротектив ва яллиғланишга қарши таъсирларга ҳам эга бўлиб, организмнинг бактериал инфекцияларга нисбатан чидамлилигини ҳам оширади. [1]

Мумиё организмда тўқималар тикланишини тезлаштиради, яллиғланишларга қарши таъсир кўрсатади,

иммун тизимни рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлиб шу билан минерал алмашинув жараёнини фаоллаштиради.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, *in vitro* остеобластлар пролифератсияси ва *in vivo* суяк битиши, тибиий синишларнинг даволаниши мумиё билан сезиларли даражада яхшиланиши кузатилган. [2] Бундан ташқари, клиник тадқиқотларда тибиий синиши бўлган беморлар гурухида, мумиё қабул қиласиганлар 129 кунда тўлиқ тикланган, назорат гурухида эса бу кўрсаткич 153 кунни ташкил этгани қайд этилган [3]. Узлуксиз ва узоқ муддат давомида қўлланилганда ҳам, мумиё организмда заҳарланиш ёки бошқа ножӯя таъсирларни келтириб чиқармайди [1].

Тадқиқотлар мўмиё таркибида фульво ва ҳумин кислоталар, стероид бирикмалари, аминокислоталар, минерал моддаларни мавжудлиги аниқланган. Фульво кислоталар тажрибада нейропротектив ва яллиғланишга қарши хусусиятлар намоён қиласиган .[7]

Мумиё таркибида аминокислоталар, стероидлар ва микроэлементлар мавжуд бўлиб, у суяк тўқималарига тикланувчи таъсир кўрсатади (Гхосал эт ал., 1988). Шунингдек, унинг яллиғланишга қарши ва тикланишини тезлаштирувчи хусусияти турли тадқиқотларда тасдиқланган. Мумиё экстракти остеобластлар пролифератсиясини оширади ва суяк тўқималарини тиклайди.[2]

Итлар ва мушукларда ўтказилган тадқиқотлар асосида мумиё билан даволаш 25–30 % даражада суяк битишини тезлаштиргани, оғриқни камайтиргани ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатгани аниқланган. [6]

Мумиёнинг биологик хусусиятлари ва фармакологик таъсири

Мумиё — органик ва ноорганик компонентлардан иборат табиий маҳсулот бўлиб, унинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- Аминокислоталардан глитсин, валин, пролин, лейсин, гистидин, фенилаланин, метионин, треонин, триптофан, изолейсин, лизин, аргинин, аспартик кислота ва глутамат кислота.
- Минерал моддалардан: калсий, магний, фосфор, темир, рух, марганетс, мис, кремний, калий, натрий, хром, кобалт, никел, алюминий ва бошқалар ҳисобланади.
- Органик кислоталардан бензоат кислота, гиппур кислота, адипин кислота, янтар кислотаси, лимон кислотаси, оксалат (шавел кислота), лишайниклар таркибидаги кислота, кожик кислота ва вино кислотаси, шунингдек гумин ва фульво кислоталари мавжуд.
- Бошқа компонентлар: ёғлар, микроэлементлар, стероид бирикмаларни ҳам ўз ичига олади. [5]

Мумиёни тозалаш ва стандартлаштириш технологияси

Мумиёни дори шакли сифатида тайёрлашдан аввал уни қуйидаги босқичларда тозалаш ва стандартлаштириш талаб этилади:



- Механик тозалаш: мумиёдаги тупроқ, тош, құм ва бошқа аралашмалар ажратилади.
- Эритма усулида тозалаш: мумиё 40–60 °C ҳароратдаги сувда эритилади, філтрланади ва чүкмадан ажратилади.
- Лавренюк усули: бу усулда мумиё табиий булоқ сувидан күп босқичли філтрлаш орқали тозаланади.
- Қуритиш ва майдалаш: тозаланған мумиё паст ҳароратда қуритилади (максимум 60 °C), сұнгра күкун ҳолатига келтирилади.
- Стандартлаштириш: мумиё таркибидаги фульво кислоталар, оғир металлар, pH ва бошқа күрсаткичлар бүйіча таҳлил қилинади.

Фармакопея асосида мумиёдан қуидаги дори шаклларини тайёрлаш мүмкін:

Таблеткалар - оғиз орқали қабул қилинади, тозаланған ва қуритилған мумиё күкунни ёрдамчи моддаларга құшилиб, зичланади. Дозалаш осон, сақлаш қулай. Одатда 0,2–0,5 г дозада тайёрланади.

Юмалоқ дори (пилюла)- мумиё юмалоқ шаклға келтирилиб, сироп ёки желатин билан қопланади. Секин сүрилувчи дори шакли ҳисобланади. Овқатдан кейин ёки овқатдан олдин оғиз орқали қабул қилинади.

Капсулалар- мумиё күкунни үсимлик күкунлари ёки бошқа моддаларга аралаштириб, желатин капсулаларга жойланади. Күп ҳоллarda уни **биологик фаол құшимча** (БАД) сифатыда ишлаб чиқарилади. Ичакда сүрилиб юқори биологик фаол таъсир күрсатадаи.

Эритмалар (экстрактлар, томчилар)- мумиё сув ёки спирт асосида эритилиб, суюқ шаклда берилади. Күпинча ташқи құллаш ёки ичиш учун. Унинг 5% ва 10% ли эритмалари ҳам мавжуд.

Балзам ва суртмалар (маз, пасталар)- ташқи томонға құллаш учун ишлатилади. Яллигланишга қарши, оғриқни камайтирувчи ва тұқымаларни тикловчы хусусиятга эга. Ревматизм, бүгім оғриғи, жароҳат, күйишларда құлланади.

Хаб дори (болюс)лар- оғирилігі 0,5-50 г гача бўлган йирик дори шакли. Чорвачиликда ва ветеринария амалиётида ички ёки ташки даволаш учун ишлатилади. Мисол: сұяқ синиши ёки остеодистрофияда касаллигига ҳайвонларга бериш тавсия этилади. Йирик ҳайвонларга ҳаб шаклидаги дориларни маҳсус жиҳоз (болюса добавитель) ёрдамида берилади.

Шамчалар лар (суппозитория)- камроқ ҳолларда ишлатилған, аммо ректал сүрилиши учун самарали. Ички яллигланишлар ёки умумий мустаҳкамловчи восита сифатыда құлланылади.[8]

Пилюла шаклидаги дорилар асосан паррандаларга, майда ҳайвонларга (ит, мушук) қисман отлар, йирик ва майда шохли ҳайвонларга бериш учун тавсия этилади. Ҳайвонлар пилюлаларни тұлық истеъмол қилишлігі учун улар ёқтирган таъм берувчи воситалар – Corrigens құшиб берилади. Итларга Corrigens сифатыда шакар, қиём, мушукларга 3 томчи миқдорида валерианка, йирик шохли ҳайвонларга- туз ва нордон таъмли моддалар құшилади. [3]

Мумиё препаратлари сұяклар тикланиш жараёнларини тезлаштириб, оғриқ ва яллигланишни камайтиришда самарали ҳисобланади. Бу натижалар ветеринария тибиетида табиий ва хавфсиз препаратлар сифатыда пилюла ҳамда ҳаб дори шаклларининг истиқболли эканлигини күрсатади.

Мумиёдан пилюла тайёрлаш технологияси

Юмалоқ дори (пилюла) – оғиз орқали қабул қилинадиган, юмалоқ шаклдаги кичик дори шаклидир. Мумиёдан пилюла тайёрлаш қуидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Аралашмани тайёрлаш - Мумиё күкун – 0,1–0,5 г (бир дона пилюла учун) - Ёрдамчи моддалар: глюкоза, сахароза, крахмал ёки селюлоза олинади. Өғөвлөвчи воситалар сифатыда: сувли сироп, желатин эритмаси ёки глицерин құшилади.



2. Пилюла ҳосил қилиш - Аралашма яхшилаб бир ҳил бўлгунча аралаштирилади. Аралашма маҳсус пилюла доскасида кесиб пилюла шаклига келтирилади. Ёпишиб қолмаслиги учун буғдой уни, крахмал ёки оқ гил кукунидан сепилади.
3. Қоплама (агар зарур бўлса) - шакарли қиём ёки селюлозали плёнка билан қопланади.
4. Қадоқлаш ва сақлаш – тайёрланган пилюлага ёрлиқ ёпиширилади ва маҳсус шиша идишларга сақланади.

Мумиёдан ҳаб дори (bolus) тайёрлаш технологияси

Ҳаб дори бу катта ҳажмли, одатда оғирлиги 0,5–50 г бўлган қаттиқ дори шакли бўлиб, асосан ветеринария амалиётида қўлланилади. Яхши ҳаб дори аралашмасини тайёрлаш учун қуруқ ва қуюқ шакл берувчи воситалардан олиш керак. Ҳаб дорилар хам асосан истеъмол учун 1-2 кунга мўлжаллаб тайёрланади. Агар лозим бўлса ҳаб дорига таъм берувчи (*remedium corrigens*) моддалар (шакар, асал, қиём, туз) қўшиб тайёрланади.

1. Таркибни тайёрлаш - Мумиё қукуни 1–2 г ёрдамчи моддалар - крахмал, калсий карбонат, талк, стеарин, боғловчи воситалар – желатин, сувли этанол, крахмал пастаси олинади.
2. Шакл бериш - тайёр аралашма ҳаб дори тайёрлаш жиҳозида 1–2 тонна босим остида сиқилади, ҳар бир ҳаб дори оғирлиги стандарт бўйича текширилади.
3. Қуритиш ва сақлаш – ҳаб дорилар қуритгичларда 24–48 соат давомида қуритилади ва маҳсус идишларга жойланади.[3]

Тайёр бўлган пилюла ва ҳаб дорилар қуйидаги қўрсатгичлар бўйича синовдан ўтказилади: оғирликнинг бир хил бўлиши, ташқи кўриниши, эрувчанлиги, биологик фаоллик, микробиологик тозалиги текширилади.

Хулосалар

1. Табиий мумиё моддаси асосида пилюла ва ҳаб дори шаклидаги дори воситаларини тайёрлаш, ҳайвонларга қўллаш ва дозалаш қулай ҳисобланади. Ушбу дори шаклларини суяқ синишларида қўллаш орқали анъанавий воситаларга нисбатан суяқ тўқималари ўсиш тезлигини 25–30%га оширади.
2. Мумиё асосида тайёрланган препаратларнинг ножӯя таъсирлари мавжуд эмас ва у организм томонидан тўлиқ ўзлаштириради. Мумиёнинг табиий келиб чиқиши, экологик жиҳатдан тозалиги ва фармакологик таъсири уни ветеринария амалиётида турли паталогик жараёнларни хусусан, суяқ синиш касалликларини даволашда қўллаш самарали восита эканлигини қўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Quynh Hoa Tran (2014) Mumio: natural pharmaceutical material.
2. Sharma, P., et al. (2003). Influence of Shilajit on bone regeneration. Phytotherapy Research.
3. Y. Salimov (2021). Veterinariya farmakologiyasi fanidan amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari.
4. Kumar, D., et al. (2020). Clinical efficacy of Shilajit in tibia fracture healing. J Ayurveda Integr Med.
5. Anarkhan Abylaeva , Yilmaz Kaya (2023). Anarkhan Abylaeva , Yilmaz Kaya
6. Lawley S, et al. (2013) Anti-Inflammatory and Anti-Arthritic Efficacy and Safety of Purified Shilajit in Moderately Arthritic Dogs Lawley.S and others.
7. Anarkhan ABYLAева (2023). Chemical Characteristics and Biotechnological Potentials of Mumio"
8. Ghosal, S., et al. (1988). Shilajit: Chemical constituents. Indian Journal of Natural Products.

